





## ГЕРКУШ РЕСПУБЛИКАМИЗДА

### БОТҚОҚЛИКЛАР УРНИДА ШОЛИЗОРЛАР

УЙЧИ (Наманган области). Норин дарёси бойидаги ботқоқликларда ихтисослаштирилган «Гулстон» шохкорлик совхози тузилди. Дастлабки йилда шолӣ экин учун қўрғин ердан қариб 900 гектар майдон ажратилди.

Ҳозир механизаторлар далага ўғит ташиб чиқариб, ерда нам тўпланмоқдалар. Янги хўжалик коллективи ҳар гектар ердан қариб 41 центнердан — пландагидан етти центнердан ортиқ шолӣ олишга аҳд қилди.

### МАККАЖУХОРИКОРЛАР ДАЛАГА ЧИКДИ

ФАРГОНА. Фарғона областида маккажухори экин бошланди. Киров номи совхоздан Орифжон Бобоев бошлиқ маккажухорилик бригадасининг механизаторлари экин агрегатлари далага биринчи бўлиб оқиб чиқдилар. Улар 67 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан маккажухори дон ва 750 центнердан силосиб қўйиш олишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйдилар.

### СУНБИЙ УТЛОҚЛАР УЧУН

НУКУС. Хўжайли районидagi «Хатен» совхозининг механизаторлари Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб бета экинга киришди. Бу ерда шу йил юз гектар сунбий ўтлоқ барпо этиш мўлжалланмоқда. Республикада бедзорлар майдони яна 15 минг гектар кенгайтирилиб, 46.700 гектарга етказилди. (ЎзТАГ).

## ГРАЖДАНЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЯХШИЛАНДИ

Чилонзор район ижроия комитетининг раҳбар ходимлари раис ва раис ўринбосарлари, бўлимлар ва бошқармаларнинг бошлиқлари, турли соҳаларнинг бошлиқлари бўлган мутахассислар ҳафтада бир марта, айни бир вақтнинг ўзига турли иқтисодий масалалар бўйича граждандарни биргаликда қабул қилишлари энди одат тусига кириб қолди. Уларнинг қабулига келган ишлар граждандарнинг манфаатларига тааллуқли турли масалаларга доир ўз фикрларини айтишлари, район хўжалигини янада ривожлантиришга тааллуқли танлифлар кириштирилиши мумкин.

Биринчи учрашувларда ободчилик тўғрисида гап бошланди. Мактаблардан биринчи яқинидаги теплотрасса яхши ишлатилганлиги маълум бўлиши билан ижроком раис бунинг сабабларини аниқлашди, шу камчиликларни тўғатиб, қўрилган чораларни навбатдаги қабул чоғида айтиб беришни дарҳол тегишли ходимларга буюрди. Навбатдаги учрашувларда кўчаларни асфальтлаш масаласи оператив равишда ҳал қилинди.

Чилонзор район ижроия комитети маслаҳат сўраб меҳнаткашларга биринчи марта мурожаат қилаётгани йўқ. Сут комбинатида, пластмасса заводда ва темир-бетон заводларида, 153 қурилиш трестиди ўтказилган йўналишларда ижроия комитет раҳбарлари ҳал этилган

ва ҳали ҳал этилмаган ишларни айтиб бердилар. Шу йўналишларнинг қатнашчилари ўзларининг бир қанча танқидий мулоҳазаларини айтдилар, амалий танлифлар киритдилар. Аҳоли яшаб турган баъзи кварталларда, маҳаллаларда ҳам шундай учрашувлар ўтказилди. «Мевазор» маҳалласидидаги учрашувларда соғлиқни сақлашни ташкил этишдаги камчиликлар тўғрисида гапирди. Шундан сўнг маҳаллада район поликлиникасининг бўлимини очиб имонияти топилди.

Районда депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари тез-тез ўтказилиб туради. Бундай учрашувлар аҳолининг ҳулай-ҳутийларини ўрганишда ижроия комитетга катта ёрдам бермоқда.

Ижроия комитет раҳбарларининг айтишига қараганда, граждандарни қабул қилишнинг бу янги формаси район муассасаларининг фаолиятини таъминлаштиришга, бошқа ташкилий формалар билан бир қаторда яхши ёрдам бермоқда. Бундан буён мана шундай учрашувларнинг кўп тартибни локреглаштириш мўлжаллаб қўйилди. Навбатдаги учрашувларда уй-жой фондидан фойдаланиш аҳоли тўғрисида, аҳолига савдо хизмати кўрсатиш ва транспортнинг ҳолати ҳақида гап-гашиб олинди. Бу ҳақда ҳамма кварталлар ва маҳаллаларга хабар қилиниб, эълолар ёпиштириб қўйилди. (ЎзТАГ).



ОҲАНГАРОН районидидаги 2-«Оҳангарон» совхозидида қўзилик шохкорлик бошлиқ кетди. Чўпонлар ҳам юз совхоздан 105 тадан қўзи олиш учун ҳаракат қилишди. Суратда: чўпон Матис Абдуқудов.

## „Я И Р А О П П О Ф И М“

Унинг кўзлари кулиб туради. Ҳечқасида болаларга хос санимий табассум. Аёлдаги бу ҳушвақлик аҳтимои унинг узоқ йиллар давомида жажжи болалар орасида бўлганлигининг шарофатидир. У катталар билан гап-гашганда ҳам «онамиз ўргилсин, тасаддуқ жоннам» деб сўзлашади. Кичкин-китти бўлса, қоппоғини, шириним» деб чакирди. Шундай ширинсўзхан онахон — мураббия Махбуба онамиз таърифи кўп эшитилган. Унинг суҳбатига мунтазир эдим.

Яқинда Октябрь районидидаги 71-болалар богчасининг кичкинтойлари 8-март байрами тантанасига азиз оналари, оналарининг тақлиди этишди. Серфайз жой узокданок нигоҳининг ўзига тортиди. Дарвозадан киришингиз билан бог, гуздор кўзга ташланади. Кўркам ишком остида ўтигиб, ойнаванд бонига қўшилди.

Иккинчи қаватдаги катта зал байрам либосида эди. Ат-рофда оналар, ўртада жажжи кичкинтойлар, Биринчи чирроил асосийнинг-ей. Кўрб кўз қуянади. Восит бекасам тўда, Шоирада атлас қўйлак, Қомил Нодира Украина қизининг олишган. Муруват, Абдулмаликларни турган болаларнинг худди ўзиниси дейсиз.

Музыка тўғрисида раҳбари Маълура Қосимова шаншюнига бориши билан болалар гўё команда берилгандай бир-бирларининг кўзларини ушлаб даврга тизилишди.

Кўнгилни қуватиб юборадиган алоҳид манзара! Бахтиёр қувончлар. Уларнинг шодлиги чексиз, шўх рангга тушишар, онажонларига атаган маҳлаларини, шеърларини ширин тил, жарангли овоз билан айтишарди.

Эркактойларига меҳри жўшиб тикилиб турган мударра Махбуба онамиз кўнглидан нима-лар ўтати экан. У тўнчилилар турди. «Садаган кетай ошпоғини, қувонч, бегубор ўс, айра» дейишди. Албатта, Ахир Махбуба онамизнинг қирғилдан энди вақт давомида тарбиялаб воғта етказган ўғил-қизлари дарҳақиқат шундай раво, катта йўлдан одим ташлашди. Меҳри дар, лекни тарбияга келганда талабчан аёлининг мураббийлигидаги доғини таратганлар ҳам шудлар!

«Болалар бошидан» деган нақла амак қилди. Қўла остида ишлайдиган тарбиячиларга доимо «боланинг ҳамма хислатлари мана шу ёшдан шаклланади. Бир-бири билан ишқилиқ, ўртоқларига ёрдам қўлини чўзишни ўргатиш. Қўл-гапчиликдек ёмон одатни пайқадингизми, тайбех беринг», деб тайнқилди.

Даврада Махбуба онамизнинг кўлида тарбия топиб, ҳозир ўзи мураббий бўлиб етишган болалар богчаси мударалари Фотима Қодирова, Найма Тўрахонова, шу соҳада ишловчи Соғия Каримовалар ўтиришар.

Ф. УСМОНОВА.

## Дунё хабарлари

### ХЬОУСТОНДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). «Союз—Аполлон» программаси бўйича биргаликда экспериментал учини тайёрлашга бағишланиб ҳар иккала мамлакат космонавтларининг Хьюстонда навбатдаги учрашуви ўтказилмоқда. Учувчи бошқарилган космик кемаларнинг Хьюстондаги марказида шу муносабат билан ўтказилган матбуот конференциясида совет космонавтлари ва олимлари гапирди.

Профессор К. Д. Шателов ва А. С. Елисев ҳар иккала мамлакат космонавтлари «Союз—Аполлон» программасига тааллуқли кўпгина ташкилий

ва техникавий масалаларни ҳал қилишлари, шунингдек кемаларнинг аниқлашларини тайёрлашга аниқ эътибор беришлари кераклигини айтдилар. Улар мўлжаллаб қўйилган планлар муваффақиятли бақарилаётганлигини уқтириб ўтишди. «Биз, — деди А. С. Елисев, — самарали ишлатмоқдамиз ва космонавтларимиз группаси олдида турган вазифалар муваффақиятли ҳал этилишига ишонамиз».

Генерал Стаффорд Америка космонавтлари номидан гапирди, ҳар иккала мамлакат космонавтлари ўртасидида мавжуд «ҳамжиҳатлик мустақамла-наваради» деб ишонч билдирди.

### ИЧКИ ИШЛАРГА АРАЛАШМОҚДАЛАР

ВАШИНГТОН. 21 март. (ТАСС). «Интернейшнл телефон энд телеграф» корпорацияси 1970—1971 йилларда Чилининг ички ишларга аралашиб Сальвадор Альенде хукуматининг дастлаб қонимизини қўлга олишга тўсқинлик қилишига, сўнгра эса унинг ҳукуматини агарилга — унинг галлига, шу мақсадда марказий разведка бошқармасидан, ЮСИАдан фойдаланганлиги, шунингдек бу хусусда Оқ уйга тегишли «тавсияномалар» берганлиги мазкур Америка корпорациясининг вице-президенти У. Мэрриэм иқроор бўлди.

Мэрриэм сенат ташқи ишлар комиссиясининг кўп миллий корпорациялар билан шугул-

ланувчи шўбасида гапирди, марказий разведка бошқармасининг Латин Америкаси секцияси раҳбари Уильям Броу билан ҳамкорлик қилганлигини, Чилининг ҳалқ бирлиги хукуматига қарши бир қанча конкрет душманлик ишларини қилиш тўғрисида унга муназам равишда тавсияномалар бериб турганини ташкиллади.

Американинг мазкур корпорацияси АҚШ хукумати томонидан қилиниши лозим бўлган ваз-натикада президенти Алленде «иқтисодий барбодликка» душ келтириб қўйдиган» душманлик ишлари тўғрисида 18 та танлифдан иборат мактубни Оқ уйга ва давлат департаментига юборганини ҳам Мэрриэм иқроор бўлди.

### ҚАТТИҚ КЎРҒОҚЧИЛИК

КОЛОМБО. 21. Қаттиқ кўрғоқчилик натижасида Шри Ланкада чой етиштириш жуда камайиб кетди. Уш вилоти кўрғоқчиликдан айниқса қаттиқ зарарланди. Чойзорлардаги ишчиларнинг аҳоли мушкуллашди. Улар меҳнатларига ишбай системасида ҳақ олар олдилар. Кўрғоқчилик шохкорликларга ҳам катта зарар етказди.

### АРГЕНТИНАДА МУМЕЛАНГАН МУРДАЛАР

БУЭНОС-АЙРЕС. 21 март. (ТАСС). Археологлар Аргентина Сан-Хуан вилотидаги тоғларда муеланган икки мурда топишди. Олимларнинг фикрича, шулардан бири қўнғилнига 4500 йил, иккинчисига эса 2000 йил бўлган.

### ҚОҲИРА АЭРОПОРТИДАГИ ҲОДИСА

ҚОҲИРА. 21 март. (ТАСС). Сешанба кўни Миср авиаканалисига қарашли «Бонинг» типидидаги самолёт Қоҳира аэропортига қўнаётганида самодет пилотларнинг, чиқариб берилган гидравлик система ишламай қолди. Экинчи система рақибларнинг қўлда чиқаришга муваффақ бўлганлиги туфайлигина самолёт ерга эсон-омон қўна олди. «Ал-Жумхурия» газетаси кейинги ҳафтада шу билан Қоҳира аэропортида «Бонинг» типидидаги самолётлар билан иккинчи марта шундай ҳодиса юз берди, деб ёзди.

### ОСМОНДА ТЎҚНАШИБ КЕТДИ

НЬЮ-ЙОРК. 21 март. (ТАСС). «Ф-111» типидидаги иккита қирувчи бомбардирчи самолёт осмонда бир-бирига урилиб, Холбрук шахри (Аризона штати) районида портлаб кетди. Самолётлар АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг Кэмпбелл (Нью-Мексико штати) авиация базасига қарашли эди. Учувчиларнинг тақдирини нима бўлганлиги номаълум.

## ҲАВАСКОРЛАР ҲОЗИРЛАНМОҚДА

«Чашма» телевизион фестивали қатнашчиларининг сафи ой сайин кенгайиб бормоқда. Эфирга чиқаётган ҳаваскорлар ўз санъатларини томошабинлар олдида кенг намойиш қилмоқдалар.

Ха демай, областистик бадий ҳаваскорлари ҳам «анзор» экранга оқиб чиқибди. Хозир Оққўрғон районидида Димитров номи колхоз ҳаваскорлари бунга қизгин тайергарлик кўрмоқдалар. Ҳаваскорлардан ташкил топган ансамбли ўз концерт репертуарига рус, ўзбек, қозоқ, қорей ва бошқа миллиятларнинг кўй ва қўнғилларини киритган. 70 дан ортиқ қўнғичи колхозчи малакали санъаткорлар раҳбарлигида эфирга чиқиш олдилар. Сўнги репетицияларда қатнашмоқда.

Бундан ташқари, Оржоникиде районидида «Кизил Ўзбекистон» колхоз бадий ҳаваскорлари ҳам «Чашма» телевизион фестивалида қатнашиш орузида пухта тарвуд кўрмоқдалар.



### ҚАДИМГИ МИНОРА ТИКЛАНДИ

БУХОРОДАГИ Гавкушон масжидининг тўрт аср мобайнида сезиларли даражада оған минораси тўғрилиб қўйилди. Бу қадимги ишоотини хавф-хатардан селаш учун минора янги пойдеворга турғозилди.

1580 йилда қўтарилган минора 1972 йилга келиб вертикал ўқдан 58 сантиметр оғди. Лекин ҳозирча миноранинг отганлиги эмас, шу оғиш сабаблари ҳавф туғдирарди: шу атрофдан оқувчи қадимги Шохруд ариги минораларга ҳавф солаётган экан. Ариқ суви минора тагига сизиб ўта бошлаган. Шундай экан, минора пойдевори қандай аҳолга тушаётганлигини аниқлаш керак эди.

Реставраторлар минора «ағи»ни қарашса, пойдеворнинг «ўзи йўқ» эди. Шу катта ишоот ўзидан ҳам қадимги девор ва гишт синиклири устида, бир вақтлар бузилган иморат ваироналири устида турар экан. Мана шундай пойдевор устида бўйи ун қаватлик уйча келадиган оғир минорани кўтарган меъморларнинг маҳорати қўйил қолмас. Қадимги устлар ҳисобини тўғри олишган. Қўнғи ариқлардаги сув сизиб ўтмас минора яна неча асрлар тик тураверар эди. Намлик минора пойдеворини аниқ бўшаширган, таги чўшиб, минора оғган.

Реставраторлар минора тагини тамонилар ўзгартирмоқчи бўлдилар. Бу ишни уста Очил Боббуродов ўз шогирдлари билан биргаликда бажарди. Улар миноранинг эски пойдеворидан бир бўлакни қавлаб олиб ҳосил бўлган чуқурликка бетон қўйдилар. Шу тахлитда қадим-бақадим миноранинг бутун тагига бетон қўйиб чиқилди ва бетон чамбар бўғини

лари пўлат арматура билан бир-бирига бириктирилди.

Минора лебедлар орқали ростланди: миноралар боланган алоҳида белбоқча пўлат аркон боллаб тортиди. Энди минора тик турибди. Янги пойдеворга намлик қор қопломасда, эски ариқнинг шў уштакиси ҳам янгилашиб, қирқоқларига сув ўтказмайдиган бетон қопланди.

Бухородаги масжид илмий реставрация уштакоси Гавкушон масжиди минорасини тўғрилиш билан қадимги шаҳарнинг эски меъморий ёдгорликларини мустақамлаш борасидида ташкилий ишларини бошлаб юборди.

### „РУССКАЯ ТРОЙКА“ ЙЎЛГА ЧИҚМОҚДА

«Русская тройка» дегон номининг ўзи учқурлиқни намоён этмасди, даставвал ақл-идрок билан нутуқ зарур! Поездин соатта 200 километр тезлик билан ҳайдайдиган олдин унч асгарилаш фавқуллода тормозлаш имкониятлари тўғрисида бош котирди, албатта.

«Русская тройка» биринчи тажриба вагонини синашда тормозларини текширишга асосий эътибор берилди. У Ленинграддан Москвагача ўтладиган йўлни даставвал тўрт соатда, кейинчалик бориб 3,5 соатда босиш лозим. Бу мақсадда ишлатилмайдиган дискили тормоз совет темирйўчларига яхши маълум, магнит-рельс тормоз эса бизнинг йўлларда биринчи марта ишлатилмади. Сизим ўтказилмаётган Ленинград билан Чудово ўртасидидаги йўл участкасида 200 километрлик гўят катта тезликка эришилди. Тепло-воз билан вагон «АН-24» самолётининг кўтарилиш тезлигининг ошганда фавқуллода тормозлаш ишга солинди.

### «ЯК-40» САМОЛЕТИ ТУНИСДА

ТУНИС. 21 март. (ТАСС). «ЯК-40» самолёти Тунисда кўрсатмалар учинилари тугаллаб, бутун Москва томон йўл олди. Бу самолёт намойиш қилган учинилар Тунис республикасидаги савдо саноат доираларида қўл қўйишди.

Африка қитъасининг 17 та мамлакатидида кўрсатмалар учиниларни ўтказилди. Шу мамлакатларнинг ҳаммасида «ЯК-40» самолётининг учини-техникавий сифатларига юксак баҳо берилди. Бунинг самолётининг баҳолан дафтарида энди қолдирилган жуда кўп фирмалар аққол кўрсатиб турибди.

### ХАЛҚА ИҲЛ ЛОЙИХАЛАНМОҚДА

СОФИЯ. 21. Болгария йўллар бош бошқармасида бутун мамлакат бўйлаб ўтатидиган халқ автомобиль йўли лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Йўл жами узунлиги 1000 километрга борадиган учта: «Хемус», «Чорно море» ва «Тракия» магистралларидан иборат бўлади. Шу йил магистралларнинг биринчисини қуриш ишлари бошланди. Йўлнинг эни 28 метрга боради, шу йўллардан авто-транспорт соатига 100 километр тезлик билан юриши лойиҳаланмоқда.



ПАНАМА. Америка Қўшма Штатлари асрийнинг бошидан то ҳозирги пайтгача Панама канал зонасида хўжайинлик қилиб келмоқда. Американинг бу ерда ўтказиётган сие-сати Панама давлати манфаатларига катта зарар етказмоқда. Канал Панама икки қисмга ажратган бўлиб, бу ҳолат унч социал-иқтисодий та-раққийга тўсқинлик қилмоқда. Суратда: Панама каналининг қури-ниши.

ТАСС фотохроникаси.

ТАСС-ЎзТАГ.

